Ушбу сонда:
2 *Долзарб мавзу* СУҒУРТАВИЙ ҲИМОЯ *унинг афзаллиги нимада?*
3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ
4 *Масала кўндаланг қўйилади* ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИГА КИМ МАСЪУЛ?

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 6 сентябр, сешанба № 148 (1989)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш тизимини ривожлантиришда алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

**Кўп йиллик самарали меҳнати билан мамлакатимизнинг алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини замонавий асосда ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда аҳолига намунали хизмат кўрсатишга қўшган катта ҳиссаси ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:**

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АЛОҚА ХОДИМИ»**

**Адамбаев Тўрабой Жуманиёзович** - «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Хоразмтелеком» филиалининг электромонтёри

**Избосаров Ағзам Фахриддинович** - Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари

**Фидокорона меҳнати билан мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга катта ҳисса қўшгани, телекоммуникация тармоқларига хорижий сармояларни жалб этиш ва илғор технологияларни шу жумладан, шиша толали кабелларни жорий этишда улкан ютуқларга эришгани, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ҳамда жамоат ишидаги фаоллиги учун қуйидагилар мукофотлансин:**

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Боймуродов Ғуломжон Олимович** - «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси 4-шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламасининг муҳандиси

**Болтаев Маҳмаёқуб Раҳматович** - «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси 10-шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламасининг кабелчи-пайвандчиси

**Мадаминов Жўрахон** - «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси 2-шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламасининг электромонтёри

**Ҳакимов Маманазир Нозимович** - «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Намангантелеком» филиалининг электромонтёри

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Антонова Наталья Борисовна** - «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиалининг мутахассиси

**Бозоров Самад Қувондиқович** - «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Қашқадарётелеком» филиалининг муҳандиси

**Набиев Бахтиёр Авезович** - Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази Олот радиотелевидение станциясининг алоқа монтёри

**Хамзин Алмаз Анварович** - «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг мутахассиси

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдураимов Ўлмас Абдукаримович** - «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси 1-линия кабель иншоотлари цехининг электромеханиги

**Исмоилов Исоқ Исроилович** - «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Бухоротелеком» филиалининг муҳандиси

**Коланов Курмангали Молдагалиевич** - Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи

**Миклина Генриэтта Матвеевна** - «Алоқалойиҳа» масъулияти чекланган жамиятининг мутахассиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 5 сентябр

***Олтиариқ туманидаги «Сожида Жўраева» фермер хўжалиги миришкорлари 13 гектар майдонда ғўза парваришламоқда.***

### ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ МАРРАГА ЕТДИ

*Эртапишар, маҳаллий иқлимга мос ва касалликка чидамли «Наманган-77» нави серҳосиллиги билан ҳам ажралиб туради. Агротехника қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда сифатли парваришланган ғўза тупларида мўл ҳосил етиштирилди. Биринчи теримдаёқ қабул пунктига 29 тонна хомашё топширган хўжалик шартнома мажбуриятини бажарди.*

*Шу тумандаги «Жўрак» ширкат хўжалигига қарашли Алимардон Баннопов раҳбарлигидаги оилавий пудратчилар ҳам 23 тонна пахта топширди.*

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноби Олийлари!

Ўзбекистоннинг миллий байрам муносабати билан Сурия халқи ва шахсан ўз номимдан Сизни ва дўст ўзбек халқини қутлашдан астойдил бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга чин қалбдан соғлиқ ва бахт-саодат, ўзбек халқига эса доимий тараққиёт ва равнақ тилайман.

Эҳтиром ила,

**Башар АСАД,**
**Сурия Араб Республикаси Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий қутловларимизни изҳор қилиш бизга мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга бахт-саодат ва мустаҳкам соғлиқ, дўст Ўзбекистон халқига эса бардавом тараққиёт ва равнақ тилаб қоламан.

**Қобус бин САИД,**
**Уммон Султони**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни муносабати билан Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси халқи ва ҳукумати ҳамда шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига қизғин саломлар ва самимий қутловлар йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Мамлакатларимиз ўртасида таркиб топган дўстона муносабатлар икки томонлама ҳамкорлигимизнинг янги соҳаларида халқларимиз манфаатларини кўзлаб кейинги йилларда ҳам ривожланиб боришига астойдил ишонаман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

**Чандрика Бандаранаике КУМАРАТУНГА,**
**Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунининг 14 йиллиги муносабати билан Сизга ҳамда ўзбек халқига Вьетнам халқи ва шахсан ўз номимдан энг эзгу қутловларни йўллайман.

Ишончим комилки, Вьетнам билан Ўзбекистон ўртасидаги анъанавий ва дўстона муносабатлар ҳамда кўп томонлама ҳамкорлик кун сайин мустаҳкамланиб, ривожланиб бораверади. Ўзбекистон халқи равнақ топиб, бой-бадавлат ва бахтиёр бўлсин!

Президент Жаноблари, Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва юксак масъулиятли лавозимингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

**Чан Дик ЛИОНГ,**
**Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Мальдив ҳукумати ва халқи номидан Сиз, Жаноби Олийларига, мамлакатингиз ҳукумати ҳамда биродар Ўзбекистон халқига Ўзбекистон Мустақиллиги куни муносабати билан самимий табриклар ва эзгу тилаклар йўллайман.

Сиз, Жаноби Олийларига соғлиқ ва фаровонлик, Ўзбекистон халқига бардавом тинчлик ва равнақ тилаб қоламан.

**Маъмун Абдул ҚАЮМ,**
**Мальдив Республикаси Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Сизни Ўзбекистон Мустақиллигининг 14 йиллиги билан чин дилдан муборакбод этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга сиҳат-саломатлик ва омонлик, ўзбек халқига эса тинчлик, тараққиёт ва равнақ тилайман.

Эҳтиром ила,

**Сапармурот НИЁЗОВ,**
**Туркманистон Президенти**

### ХАЙРЛИ ТАШАББУС

«Навоийазот» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли тиббий санитария бўлими шифокорлари корхонанинг 10 минг нафардан ортиқ ишчихизматчисига беминнат хизмат кўрсатади. Сиҳат-саломатлик йилида улар ажойиб ташаббус билан чиқди.

Шаҳарнинг иккита кичик туманида яшовчи 200 нафар ногирон, нафақахўр ва қарияларга бепул тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйилди. Уларга бепул дори-дармон етказиб бериш билан бирга, шифохонада ётиб даволанишлари учун ҳам барча шароит яратилди.

- Биз корхона раҳбарлари ва шифокорларидан беҳад хурсандмиз, - дейди меҳнат фахрийси Гулжаҳон ая Турниёзова. - Улар халқимиз соғлиғини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Қўллари дард кўрмасин.

### ГРАНИТ - ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТ

«Лангар-ЎзРос» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси кўмаги билан Хатирчи туманида гранит тошларини қайта ишлайдиган «Зарланиндустрия» масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлади. Корхонага замонавий дастгоҳлар ўрнатилди.

- Асосий базамиз Лангар қўрғонида жойлашган,- дейди корхона раҳбари Мамадали Абдусаломов. - Хомашё - оқ, кўк ва қора гранитни Оқтов этакларидаги Лангартов ва Кўксарой карьерларидан оляпмиз. Бурғуловчиларимиз 5-7 тоннагача бўлган гранит ҳарсангларини ўз вақтида етказиб бермоқда.

Навоий вилоятининг чекка қишлоғида очилган бу корхонада 60 нафар йигит-қиз ишлайди. Иккинчи линия ўрнатилгач, ишчилар сони янада ортади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар асосан Россия ва Қозоғистонга экспорт қилинмоқда.

### ЎҚУВ ЙИЛИ - ЯНГИ МАКТАБЛАРДА

2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига мувофиқ Янгийўл шаҳридаги икки мактаб капитал реконструкция қилиниб, тўртта билим масканида эса капитал ва жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Мебел ва жиҳозлар, ўқувлаборатория анжомлари билан тўла таъминланган 18-махсус мактаб бутунлай янги қиёфа касб этди. Ўқувчилар замонавий спорт зали, футбол ва волейбол майдончаларида севимли спорт турлари билан шуғулланиш имкониятига эга бўлди. 8-умумтаълим мактаби ҳам тўлиқ янгидан бунёд этилди. Бу ерда икки юздан ортиқ ўқувчи замонавий синфхоналарда таълим олмоқда.

Термиз туманидаги «Сурхон воҳаси» фермер хўжалиги жорий йил 79 гектар майдонда «Наманган-77» навли пахта ҳосилини етиштирди. Айни пайтда далада пахта қийғос бўлиб очилди.

Хўжалик деҳқонлари пахта теримига киришиб, кунига 10-12 тонна «оқ олтин» хирмонларга жўнатилмоқда. Пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда 150 теримчи иштирок этмоқда. Даладаги етиштирилган пахта гектаридан 40 центнердан ҳосил йиғиштириб олинишини кўрсатмоқда.

Ҳозиргача 780 тонна пахта давлатга топширилди. Жами бўлиб 218 тонна пахта уруғлик учун олиб қолиш режалаштирилган.

***Суратларда: хўжалик бошлиғи Рисолат Маматқулова; теримчи Гулноза Бўриева.***

**И.ХЎЖАЕВ**
**(ЎзА) олган суратлар**





### «UNITEL» - ГУЛИСТОНДА

Аҳолига уяли алоқа хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида Гулистон шаҳрида «UNITEL» компаниясининг агентлиги очилди. «Гулистон Мобайл Сервис» фирмаси агентликни яхши жиҳозланган, кенг ва ёруғ бино билан таъминлади. Бу ерда кенг ассортиментдаги уяли телефонлар ва эҳтиёт қисмлар билан савдо қилувчи дўкон ҳам иш бошлади.

Шу пайтгача «UNITEL»нинг Сирдарё вилоятидаги мижозлари компания хизматидан фойдаланиш учун пойтахтга бориб келишга мажбур эди. Вилоятда компания филиали очилиши билан бир вақтда тўртта базавий станция ҳам ўрнатилди. Уларнинг ҳар бири мингтадан абонентга хизмат кўрсатади.

## ВАТАНГАДО ҚАДР ТОПМАС ЎЛГАНДА ҲАМ

***Ватан инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқ, уни камол топтирадиган, ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган табаррук маскандир. У аждодлардан авлодларга қоладиган буюк мерос. Шунингдек, ота-боболаримизнинг хоки поклари жо бўлган, вақти-соати етиб ҳар биримиз бош қўядиган муқаддас замин. Афсуски, бу туйғуни ҳамма ҳам бирдай англаб етавермас экан. Ундайлар ўзларининг калтабинлиги, онгининг заҳарланиши оқибатида ҳар хил бўлмағур ишларга қўл уришаётир.***

Маълумки, ислом дини инсонни атрофидаги одамларга меҳрибон ва раҳмдил бўлишга, бир-бирига ёрдам кўрсатишга чақиради. У асл маънода тинчлик ва биродарликни тарғиб қилади. Амир Темур ҳам мусулмон шарқидан насроний ғарбига ҳамкорлик ва тараққиёт мақсадида биринчилардан бўлиб қўл узатиб, улар билан дўстона алоқада бўлган. У мулку мамлакат зулм бор ерда туриши мумкин эмас, деб ҳисоблаган.

Одам ўлдириш ислом динида бағоят катта гуноҳ ҳисобланади. Инсонларнинг ва муқаддас тушунчалардан «фойдаланган» ҳолда давлат ва жамиятга қарши ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари замирида аслида исломдан бошқа мақсадларда фойдаланиш ниятлари ётади. Аслида исломда умуминсоний қадриятлар тарғиб қилинади. Аммо ислом байроғи остида қабих ниятларда олиб борилаётган ғайриисломий ҳаракатларнинг ҳам гувоҳи бўлаяпмиз.

Жумладан, 1983 йилда Урганч туманида туғилган Х.Тожибоев ҳамда хивалик 1970 йилда туғилган Р.Аллоёровлар диний таълимотнинг мазмун-моҳиятига тушунмаган ҳолда ваҳобийлик оқими ғояларини тарғиб қилиш билан шуғулланиб келишган. Улар ўзаро тил бириктириб Урганч ва Хива туманларида диний экстремистик ғояларни ўз ичига олган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган, ёҳуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган фикрлар битилган қўлланмалар орқали бир неча ёшларнинг миясини заҳарлашга ҳаракат қилишади. Ўзбекистонда ваҳобийлик оқимининг энг катта тарғиботчилари бўлган Абдували қори ва Обид қориларнинг «Жиҳод оят»лари келтирилган, Имом Аъзам мазҳабига эргашганларни қораловчи маърузалар ёзилган аудиокассеталардан фойдаланишган.

Урганч туманида 1993 йилда туғилган Озод Бекчонов уларнинг тузоғига илиниб қолганлардан бири. У судланувчи Х.Тожибоевнинг маҳалладоши. Уй-рўзғор ишларида онасига кўмаклашиб юрган Озод Хушнуд билан танишгач, диний китоблар ўқий бошлайди. Олдинига фақат номоз ўқишдан сабоқ олаётган Озодга кейинчалик турли-туман мавзудаги диний китобларни ҳам келтириб беришади. Охир-оқибат у уйдаги юмушларни ўзи учун ор деб билиб, ҳеч кимга айтмасдан уйдан қочиб кетди. Бозорда аравакашлик қилиб юради. Ҳатто, ўз мактабига ҳам бормасдан, таниши Х.Тожибоев жойлаштириб қўйган мактабда ўқий бошлайди.

Шунингдек, Д.Раматов, Р.Собиров ва О.Хўжаевлар ҳам Озод сингари юқоридаги шахслардан ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган таълимни олиб, ўзича мулла бўлиб қолган кишилардир.

Шунингдек, Наманган вилоятининг Жиноят ишлари бўйича Чуст туман суди томонидан жорий йилнинг 23 февралида кўрилган жиноий ишда маълум бўлишича вилоятнинг Косонсой туманида яшовчилар Рустам Саитисаков, Яхёхон Муродовлар ваҳобийлик диний экстремистик оқимига бир неча йил мобайнида хайрихоҳ бўлиб келишган. Яъни 1993 йилдан ушбу оқимга аъзо бўлиб кирган Р.Саитисаков Тўрақўрғон туманининг Қуймозор қишлоғида яшаган Рахмон Отабоев исмли шахсдан диний сабоқ олган. Таълим жараёнида у «Жихот»га тайёрланиш, шу орқали амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга даъват этувчи таълимотни ўрганиш билан шуғулланган. Шу билан бир қаторда атрофдаги танишлари Абдураҳмон Бобоев ва Яхёхон Муродовларни ҳам жалб қилган. Унинг уйи кўздан кечирилганда 43 дона «Хизбут-таҳрир» норасмий диний ташкилотга тегишли варақалар, 1 дона «Жиҳодий амалиётга қандай киришлик» деб номланган қўлланма ва 1 дона аудиокассета топилган.

Шунингдек, судланувчи Яхёхон Муродов яшаб турган уй тинтув қилинганда унинг хонадонидан ҳам 18 дона «Хизбут-таҳрир» норасмий диний ташкилотига тегишли варақалар, 1 дона «Ал-ваъй» деб номланган адабиёт ва 1 дона аудиокассета сақланаётгани маълум бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг «Диний ташкилотлар ва виждон эркинлиги» тўғрисидаги қарорига кўра ушбу адабиёт ва варақаларда билдирилган фикрлар фуқаролар ўртасида диний ва миллий адоват қўзғатишга қаратилган деб топилди. Ундан фойдаланаётган юқоридаги каби шахслар ноқонуний, ярамас ҳаракатлари учун қонун олдида жавоб беришаётир.

Яна шу каби мисолларни давом эттирадиган бўлсак, Жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман суди томонидан кўриб чиқилган жиноий ишдан маълум бўлишича, Янгиқўрғон туманида яшовчи Умид Қодиров Х.Атабоев, Х.Жабборовларни бир жойга тўплаб, уларни бир жамоатга аъзо қилиб, диний экстремистик ташкилот томонидан белгиланган қўлланмалар асосида ўзи яшаб турган уйда ўқита бошлайди. Текширув жараёнида унинг хонадонидан «Ал-ваъй», «Жиҳодий амалиётга қандай киришлик», «Зиндонлар қаъридан келур садолар» деб номланувчи қўлланмалар, ўқотар қурол ва патронлар топилган.

Бундан кўриниб турибдики, судланувчи атрофдагиларни диний экстремистик оқим ғоялари билан янада яқинроқ таништириш учун яхшигина тайёргарликка эга бўлган. Айтиш жоизки у асосий Қонунимизнинг 31-моддасида «Ҳамма учун виждон эркинлиги» кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди» деб қайд қилинганлигидан яхшигина хабардор бўлган. Шунга қарамай жамият ва умуминсоният олдидаги бурч ва масъулиятга бефарқлик билан қараган. Демократик давлатда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро жамият тақдири учун масъул эканини ҳис қилмаган.

Зеро, шу юртда, шу жамиятда яшаётган ҳар қайси инсон республикамиз манфаатларини ҳимоя қилиши, унинг қудрати ва обрў-эътиборини мустаҳкамлашга кўмаклашиши, жамият манфаатларига зид хатти-ҳаракатга нисбатан муросасиз бўлмоғи лозим.

Афсуски, номлари тилга олиб ўтилганлар каби наманганлик А.Тўхтабоев, А.Холмирзаев, А.Абдураҳмонов ва Х.Мирвохидовларнинг қилмишлари ҳам уларникидан қолишмайди. Тоғни урса талқон қилгудек бу йигитлар жамиятимиз, қолаверса, ўзлари учун бирон-бир фойдали иш билан шуғулланиш ўрнига «Хизбут-таҳрир» норасмий диний ташкилотига аъзо бўлишган. Судланувчи Ҳасан Мирвоҳидов олдин бир маротаба судланиб Амнистия туфайли озодликка чиққанлигига қарамай, яна жиноятга қўл урди. У «Хизбут-таҳрир»га оид адабиётларни Фарғонадан олиб келиб

*Алҳазар!*

наманганлик бир нечта юртдошларини ўша қўлланмалар билан таништиришда фаол иштирок этди. Шунингдек, гуруҳ аъзоларини қасамёд қилишга ундади ва ўз шерикларига диний экстремистик оқим фаолиятини Наманганда янада ривожлантириш ҳамда кенгайтиришда ёрдам беришларини уқтирди. «Бузоқнинг югургани сомонхонагача» деганларидек, гуруҳ аъзоларининг ҳаракати аро йўлда поёнига етди. Айбдорлар ноқонуний қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришди. Сабаби ҳаммамизга аён. Яъни, ҳар бир шахс ким бўлишидан қатъий назар инсонга қонунсиз таъсир ўтказиши, уни баъзи ҳаракатларни қилишга ёки баъзи ҳуқуқларини чеклаш ҳуқуқига эга эмас.

Зеро, ислом дини инсонни имонли, аҳлоқли, маърифатли бўлишга ундайди. Инсон манфаатига путур етказадиган ва жамиятни таназзулга етакловчи ёмон иллатларни қоралайди. Инсонни тўғриликка, ҳалолликка, покликка, ўзаро ҳурматга чақиради. Шубҳасиз, ана шундай фазилатлар орқали инсоннинг ҳуқуқлари ҳурмат қилинади. Минг афсуски, баъзи ғўр кимсалар ҳар хил алдовларга учиб, Ватанига, халқига хиёнат қилиб, тавқи-лаънатга қолиб, умрини хазон қилаётганлигини кеч англаб етади. Бундайлар ҳатто ўлганда ҳам қадр топмайди.

**Д.МАДЕНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси прокурори,**
**Р.САЙДАҲМЕДОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

# ПЕНСИЯНИ ТЎЛИҚ ОЛИШ ҲУҚУҚИ

## Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

***САВОЛ: Ёшим 62 да. Пенсионерман. Бирон корхона раҳбари билан вақтинчалик шартнома асосида ишга жойлашсам пенсиямни тўлиқ олиш ҳуқуқига эга бўламанми?***

**Х.ҲАМРОЕВ,**
**Бойсун тумани**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги 1993 йил 3 сентябридаги Қонунининг 7-моддасига биноан ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига:

эркаклар – 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда;

аёллар 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар.

1999 йилнинг 14 апрелида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини қабул қилди ва бу Қонунга асосан «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга қўшимча қилиб «12-1-модда» киритилди ва «Ушбу Қонун 37-моддасининг «а», ва «в» ва «г» бандларида назарда тутилган камида 20 йиллик иш стажи бўлган аёллар 54 ёшга тўлганларида пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар».

Меҳнат вазирлигининг 1996 йил 30 апрелдаги 202/04-1-сон ва Ижтимоий таъминот вазирлигининг 1996 йил 30 апрелдаги 669/05-сон қўшма тушунтиришларига асосан ишловчи пенсионерларга розиликлари билан икки ойлик муддатга меҳнат шартномаси асосида ишга ўтказиш ва шу икки ой давомида тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқи берилган ҳамда 1996 йилдан 2001 йилнинг 1 январигача бу ҳуқуқдан фойдаланиб келинган эди.

Меҳнат ва ижтимоий-таъминот вазирлигининг 2000 йил 5 декабрдаги қўшма хатига асосан бу вазирликларнинг 1996 йил 30 апрелдаги «Ишловчи пенсионерларга йилда икки ой давомида тўлиқ пенсия тўлаш тўғрисида»ги қўшма тушунтиришлари Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтмаганлиги туфайли 2001 йилнинг 1 январидан ўз кучини йўқотган деб ҳисобланган.



Бу қўшма хатда бир йил давомида икки ойгача меҳнат шартномаси асосида ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлаш ижтимоий-таъминот, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ижтимоий суғурта жамғармалари томонидан ишлаб чиқилиб, Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган ва 1995 йил 12 декабрдаги Адлия вазирлигидан 198-рақам билан давлат рўйхатидан ўтган «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби»нинг 31-бандида назарда тутилган талабга қатъий риоя этилган ҳолда амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган.

Демак, агар шахс ёшга доир ёки III гуруҳ ногиронлиги туфайли пенсия олаётган бўлса ва бу даврда ҳеч қаерда ишламаётган бўлса, улар бир йил давомида икки ойгача муддатли меҳнат шартномаси билан ишлаш ва бу даврда тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар. Ходим бу икки ойлик муддатдан йил давомида бўлиб-бўлиб фойдаланиши ҳам мумкин.

Сизга ва бошқа «Ишонч» мухлисларига 2005 йилда пенсия миқдори оширилганлиги тўғрисида маълумот беришни йўлланган саволга жавобни яна ҳам тўлдиради деган фикрдамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 13 апрелдаги «2005 йилнинг 1 майидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонига асосан 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб барча турдаги пенсиялар бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,2 баравар оширилди ва ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори ойига 15505 сўм қилиб белгиланди.

# *«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси*

## Саволларингизга Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

### МАКТАБДА ЎҚИТУВЧИ БЎЛИБ ИШЛАШИМ МУМКИНМИ?

***Савол: Мен Ленинобод вилоятидаги педагогик ўқув юртини битирганман. Бўка туманига келин бўлиб тушдим, мактабда ўқитувчи бўлиб ишлашим мумкинми?***

**О.ДАВЛАТОВА,**
**Бўка тумани Навобод маҳалласи**

**Жавоб:** Тожикистон Республикаси Ленинобод вилояти педагогика билим юртининг дипломини нострификациядан ўтказиш зарур бўлади. Нострификациядан (Ўзбекистонда диплом тан олинганидан) ўтказилганидан сўнг. Бўка тумани халқ таълими бўлими рухсати билан тумандаги мактабларнинг бирида ишлашингиз мумкин.

***Савол: Бир неча ўқитувчиларимиз Қирғиз-Ўзбек университетида ўқийдилар. Ўқувларини битиргач уларнинг дипломлари нострификация қилинадими? Уларнинг сессия давридаги ўқишига ҳақ тўланадими? Ўрта махсус маълумотга эга бўлган Қирғиз-Ўзбек университетига ўқишга кирганларга бошланғич синфларда дарс беришга рухсат этиладими?***

**А.АҲМАДАЛИЕВ,**
**Косонсой тумани 29-мактаб**

**Жавоб:** Қирғиз-Ўзбек университетини битирганларнинг дипломлари нострификациядан ўтказилиши лозим. Уларнинг сессия давридаги ўқишига ҳақ тўланмайди. Чунки ҳеч бир шартномада бу ҳақда таъкидланмаган. Қирғиз-Ўзбек университетини битирганлар тегишли ҳудудлардаги халқ таълими бўлимлари рухсати билангина мактабларда дарс беришлари мумкин.

### ИМТИЁЗЛИ ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАНАДИМИ?

***Савол: Менинг ёшим 50 да. 1971 йилдан буён кутубхоначи, бўлим мудири, етакчи кутубхоначи, 1991 йилдан I категорияли кутубхоначи бўлиб ҳозирги кунгача ишлаб келаяпман. Менга имтиёзли пенсия тайинланадими?***

**Г.ҚУРБОНОВА,**
**Нукус шаҳри.**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунининг 12-моддаси «к» бандига асосан ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари – махсус иш стажи 25 йил бўлган тақдирдагина умумий белгиланган пенсия ёшидан 5 йил олдин имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан ёшга доир имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1,2 ва 3-рўйхатлари тасдиқланган. 3-рўйхатнинг VII қисми 2 бандига мувофиқ корхона ва ташкилотларда ҳамда жамоа ва ширкат хўжаликларида уларнинг қайси идорага қарашлилиги, фойдаланиладиган мулк ва хўжалик юритиш шаклидан қатъий назар барча кутубхоналарда кутубхоначи, кутубхона мудири ва шўъба мудирлари юқорида айтиб ўтилган шартларда имтиёзли пенсияга чиқишлари мумкин.

### СОЛИҚ ТЎЛОВЛАРИДАГИ ИМТИЁЗЛАР

***Савол: ҳарбий хизматни ўтаётган шахсларнинг ота-оналарига солиқ тўловидан имтиёзлар назарда тутилганми?***

**Р.ИСКАНДАРОВА,**
**Янгиариқ тумани**

**Жавоб:** Солиқ Кодексининг 102-моддасига биноан қуйидаги жисмоний шахслар ер солиғидан озод қилинадилар.

1)Яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлари, механизаторлари, ветеринар врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари;

2)«Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлганлар, учала даражали «Шуҳрат» ордени билан тақдирланганлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари;

3)Хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида хизмат ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар;

4)ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари – хизмат муддатига;

5)I ва II гуруҳ ногиронлари;

6)ёлғиз пенсионерлар;

7)боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар;

8)концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари, Чернобил АЭСдаги фалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар;

9)кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича – ер участкалари берилган вақтдан эътиборан беш йилгача.

Ушбу имтиёзлар якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган меъёрлар доирасида ер участкалари берилган жисмоний шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

Солиқ Кодексининг 93-моддасига биноан қуйидаги жисмоний шахсларнинг иморатлари, бинолари ва иншоотларига солиқ солинмайди:

– «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражали «Шуҳрат» ордени билан тақдирланган шахсларнинг;

– 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва партизанлар, уларга тенглаштирилган шахслар, ички ишлар ва давлат хавфсизлиги органлари таркибида хизмат қилган шахсларнинг ҳаракатдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда штатдаги лавозимларни эгаллаган шахслар, Ленинград шаҳри қамалида бўлганларнинг ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари, хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида хизмат ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурларнинг;

– қаҳрамон оналар, шунингдек, ўн нафар ва ундан ортиқ фарзанди бор аёлларнинг;

– Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар олаётган фуқароларнинг (шу жумладан у ерга вақтинча ёки хизмат сафарига юборилган шахсларнинг);

– пенсионерларнинг, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронларнинг;

– муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларининг – хизматни ўташ даврида;

– ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажаришда ярадор, контузия бўлганлик ёки шикастланганлик оқибатида ёки фронтда бўлиш туфайли орттирилган касаллик оқибатида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва бошқа турмуш қурмаган рафиқаларининг (эрларининг);

– Ўзбекистон Республикасида Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчилари жумласидан бўлган ногиронларнинг, ички ишлар органларининг хизмат вазифаларини адо этаётганда ярадор, контузия бўлганлик ёки шикастланганлик оқибатида ногирон бўлиб қолган бошлиқлар ва оддий хизматчилар жумласидан бўлган шахсларнинг.

Ушбу имтиёзлар мол-мулк эгасининг танловига қараб, мол-мулкнинг ҳар бир тури бўйича фақат бир объектга тааллуқли бўлади.

## Саволингизга ҳуқуқшунос Абдувоҳид Аҳмедов жавоб беради

### АЖРАТМАЛАР ТЎЛАШДАН ҚАЙСИ КОРХОНАЛАР ОЗОД ЭТИЛГАН?

***САВОЛ: қайси турдаги корхона ва ташкилотлар иш билан таъминлаш жамғармасига ажратмалар тўлашдан озод этилган?***

**Б.ҚЎШОҚОВ,**
**Балиқчи тумани**

**ЖАВОБ:** Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 апрелдаги қарори билан тасдиқланган Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 9-бандига мувофиқ, қуйидаги корхона ва ташкилотлар иш билан таъминлаш жамғармасига ажратмалар тўлашдан озод этиладилар.

– ногиронлар жамоат ташкилотларига қарашли ўқув-ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш корхоналари;

– протез-ортопедия буюмлари ишлаб чиқаришга, ногиронларга протез қўйиш бўйича хизматлар кўрсатишга ихтисослаштирилган корхоналар;

– тарбия ва таълим муассасалари ҳузуридаги ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари ва ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари;

– бюджет таъминотидаги театр-томоша ташкилотлари иш билан таъминлаш жамғармасига ажратмалар тўлашдан озод этиладилар.

### ХАЛҚАРО ШАРТНОМА

***Ҳурматли таҳририят, халқаро шартнома деганда нимани тушуниш керак? Шу ҳақда қисқача маълумот берсангиз.***

**И.ИКРОМОВ,**
**Бўка тумани**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси деганда мамлакатимизнинг бир ёки бир нечта давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан халқаро муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга доир тенг ҳуқуқли, ихтиёрий келишув тушунилади. Халқаро шартномалар шартнома, битим, конвенция, протокол, меморандум, декларация, хатлар ва ноталар алмашинуви деб ҳам номланиши мумкин.

Халқаро шартномалар унда иштирок этувчи субъектларнинг сонига қараб икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар бўлиши мумкин. Қуйидаги халқаро шартномаларни кўрсатиш мумкин:

– Ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномалар;

– давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартномалар;

– тинчлик шартномалари ва коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномалар;

– идоралараро савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар;

– деклорациялар шаклида бўлиши мумкин. Каспий денгизи ва Марказий Осиё нефт ва газини жаҳон бозорига етказиб бериш тўғрисидаги Анқара деклорацияси;

– Сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги битимлар ва ҳоказо.

**М.ПАТТАЕВА,**
**ТДЮИ талабаси**

# Спорт оламида

*Теннис*

### БУ ЁҒИ ЯРИМ ФИНАЛ



UZ Open аёллар разрядида турнирнинг биринчи ракеткаси Мария Шарапова икки сетда ҳинд теннисчиси Соня Мирзони мағлуб этди ва чорак финалда яна бир россиялик Надежда Петрова билан учрашадиган бўлди. Шарапова аввалги учрашувларда бўлгани каби чиройли ўйин намойиш этиб, 59 дақиқада ўз ғалабасини таъминлади.

– Мен яхши ҳаракат қилдим, - деди ўйиндан сўнг уюштирилган матбуот конференциясида М.Шарапова. – Менинг ўйиним турдан турга яхшиланиб бораётганидан хурсандман. Лекин бу ёғига оғир кечади. Рақиблар қаршилиги кучайиб боради. Турнирнинг мен учун муваффақиятли бошланганлиги кўнглимни кўтариб юборди, ўйлайманки, бундан буён ҳам ҳаммаси яхши бўлади.

Петрова ҳам анойилардан эмас. У Вайдисовага қарши беллашувда бор маҳоратини ишга солиб, тай-брэкда эришган муваффақияти туфайли аҳволни ўнглаб олди. Иккинчи партияда янада чиройли ўйин намойиш этган Петрова умумий ғалабада зафар қучди.

Америкалик Винус Уильямсга, айниқса, қийин бўлди. У ўз синглиси Серена билан ғолиблик учун курашишга мажбур бўлди. Унинг навбатдаги рақибаси белгиялик Ким Клийстрес бўлади.

*Футбол*

### КАИТА «СПАРТА» БИЛАН КОНТРАКТ ТУЗДИ

Нигериялик иқтидорли ярим ҳимоячи Сани Каита бундан буён Голландиянинг «Спарта»жамоаси сафида тўп суради. 19 ёшли футболчи айнан Голландияда бўлиб ўтган ёшлар чемпионатида ўзини кўрсатган эди. Ёдингизда бўлса, ўшанда Нигерия терма жамоаси кумуш медал билан тақдирланган эди.

Дарвоқе, ушбу истеъдодли ўйинчини сўраб Украинанинг «Металлург», Россиянинг ЦСКА, Белгиянинг «Брюгге» ва Франциянинг «Олимпик» клублари қизиқиш билдирган эдилар.

### БРАЗИЛИЯ ГЕРМАНИЯГА ЙЎЛЛАНМА ОЛДИ



Беш карра жаҳон чемпиони Бразилия ўз майдонида Чили терма жамоасини 5:0 ҳисобида йирик ҳисобда тор-мор этиб, Германияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати йўлланмасини муддатидан илгари қўлга киритди. Майдон эгалари биринчи таймдаёқ 4:0 ҳисобида олдинга чиқиб олдилар.

Икки карра жаҳон чемпиони Уругвай ҳам ҳали имкониятни бой бергани йўқ, Монтевидеода Колумбия устидан ғалабага эришгач, турнир жадвалининг тўртинчи поғонасига кўтарилган жамоа Австралия билан ўзаро баҳсда ўз омадини синаб кўрадиган бўлди.

### КОШЕЛЕВ, МАГДЕЕВ, ҲАСАНОВ ТОШКЕНТДА ҚОЛДИ

Ўзбекистон терма жамоаси 4 сентябр куни Баҳрайн пойтахти Манамага учиб кетди.

Таркибда бир мунча ўзгаришлар бор. Хусусан, Кошелев, Магдеев, Ҳасанов йилнинг энг муҳим учрашувида қатнашишмайди. Куни-кеча Тошкентда «Пахтакор» стадионида майдонга тушган ўйинчилардан ташқари дарвозабонлар Игнатий Нестеров, Юрий Цой, ҳимоячилар Илҳомжон Суюнов, Камолиддин Кенжаев, Николай Ширшов, ярим ҳимоячи Ренат Байрамов, ҳужумчилар Зафар Холмуродов, Улуғбек Бақоев бор.

Умумий ҳисобда ким ғолиб чиқади? Ҳадемай, биз буни билиб оламиз.

*Бокс*

### ЦЗЮ БИР ҚАРОРГА КЕЛГАНИ ЙЎҚ

Ҳаёт қизиқ. Ахир ким Константин Цзю рингни мағлуб ҳолда тарк этади, деб ўйлаган эди. Афсуски, шундай ҳол юз берди. Буюк Британия вакили Рикки Хаттон ундан чемпионлик камарини тортиб олгач, Цзю қачон, қаерда, ким билан рингга чиқишни ўйлаб кўрмаган бир аснода, матч-реванч ҳақида гап-сўзлар айланиб қолганига у тузукроқ изоҳ бера олмади.

Спортчининг айтишича, у энди рингга қайтганида ҳам бошқа вазнда қатнашиши мумкин.

– Мен қарийб 36 ёшдаман, - деди собиқ жаҳон чемпиони. – Ўн йил илгари ҳаммаси бошқача эди. Бундан бу ёғига ақл билан иш кўришимга тўғри келади.

*Енгил атлетика*

### БОЙИБ КЕТДИ



Бир миллион доллар кичкина пул эмас. Лекин Берлинда бўлиб ўтган «Олтин лига»нинг сўнгги босқичида уч хатлаб сакрашда ғалаба қозонган Татьяна Лебедова оз эмас, кўп эмас, бир миллион доллар эгасига айланди.

– Қувончимнинг чеки йўқ, - дейди ғолиба, – нима юз берганини то ҳануз тўлалигича тушуниб етганим йўқ.

Спортчи бир умр катта маблағ ютиб олишга интилганини, лекин у бу қадар кутилмаганда рўй беришини ўйламаганини очиқ тан олди.

– Ўйлайманки, - деди у, – ушбу ғалабадан сўнг уч хатлаб сакраш ишқибозлари сони янада ортади. Бу яхшилик аломатидир. Ҳар бир спорт тури тараққий топишга муносибдир.

*Волейбол*

### ҒАЛАБАГА ОСОНЛИКЧА ЭРИШИЛМАЙДИ



Рим ва Белградда эркаклар ўртасида волейбол бўйича Европа чемпионатининг навбатдаги матчлари ўтказилди. Италия пойтахтида Россия волейболчилари Польша устидан зафар қучишди. Майдон эгалари итальян спортчилари ҳам мухлисларини хушнуд этиш учун қўлларидан келган барча ишларни қилишди. Улар украин волейболчилари қаршилигини енгиб бежизга чемпионат фаворитларидан саналишмаётганлигини исботлашди.

**М.ИБРОҲИМОВ**
**тайёрлади**


# РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

**Давлат мулк қўмитасининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига 2005 йил 9 сентябрдан Фарғона вилояти маклерияти томонидан қуйидаги объектлар қўйилади.**

1.Қува тумани, Ш.Ҳакимий кўчаси, 53-уйда жойлашган «Қува босмахонаси» («Ахборот полиграф») МЧЖ низом жамғармасидаги 26 фоиз давлат улуши (асосий иш фаолиятини сақлаган ҳолда).

**Бошланғич баҳоси – 2 024 266 сўм.**

2.Фарғона шаҳар, Ҳикмат кўчаси, 8-уйда жойлашган «Фарғона полимер маҳсулотлари илмий тадқиқот институти» МЧЖ низом жамғармасидаги 25 фоиз давлат улуши.

**Бошланғич баҳоси – 7 936 032 сўм.**

3.Фарғона шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 310а-уйда жойлашган, «Фарғона ободончилик» МЧЖ Низом жамғармасидаги 25 фоиз давлат улуши (асосий иш фаолиятини сақлаган ҳолда).

**Бошланғич баҳоси – 41 800 657 сўм.**

4.Фарғона вилояти, Охунбобоев тумани, Деҳқонобод қишлоғида жойлашган «75-ХКМК» МЧЖ низом жамғармасидаги 51 фоиз давлат улуши.

**Бошланғич баҳоси – 40 664 100 сўм.**

5.Фарғона вилояти божхона бошқармасига қарашли Фарғона шаҳар Некрасов кўчасида жойлашган «Вилоятлараро ўқув маркази» бино ва иншоотлари.

**Бошланғич баҳоси – 96 503 019 сўм.**

6.Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Чимён қишлоғида жойлашган «80-ХКМК» МЧЖ низом жамғармасидаги 51 фоиз давлат улуши.

**Бошланғич баҳоси – 33 071 300 сўм.**

7.Фарғона шаҳар, Қиргули тумани, Химиклар кўчаси, 9-уйда жойлашган, тугатилган «2-сонли хўжаликлараро кўчма механизациялашган колоннаси» АЖ мол-мулклари.

**Бошланғич баҳоси – 71 237 800 сўм,** шундан тўлов қисми 13430200 сўм ва 57807600 сўм миқдорида инвестиция киритиш шарти билан.

**Давлат мулки қўмитасининг Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан 2005 йил 9 сентябрдан Наманган вилояти маклерияти томонидан қуйидаги объектлар ва давлат улушлари қўйилади.**

1.Поп шаҳри, Дўстлик кўчасидаги «Поп туман босмахонаси» МЧЖнинг 68,95 фоиз давлат улуши.

**Бошланғич баҳоси – 13037,6 минг сўм.**

2.Наманган шаҳридаги «Йўлсоз» МЧЖнинг 25,0 фоиз давлат улуши.

**Бошланғич баҳоси – 14723,1 минг сўм.**

3.Поп тумани, Санг қишлоғида «Меҳржон» болалар боғчаси.

**Бошланғич баҳоси – 1017,8 минг сўм.**

4.Чуст шаҳридаги «Чуст шаҳар ветеринария шифохонаси»

**Бошланғич баҳоси – 3443,5 минг сўм.**

**Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан қуйидаги улушнинг бошланғич баҳосига нисбатан ҳар савдо сессиясида 5 фоиз миқдорида пасайиш механизми қўлланилаётганлигини маълум қиламиз.**

Тошкент вилоятидаги «Ишонч-М» МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши.

**Бошланғич баҳоси – 83513500 сўм.**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

**Имкониятингизни бой берманг.**

*Савдоларда Республика Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлари объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.*

*Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.*

**Манзил: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 массиви, Махамад Ўразбоев кўчаси, 1 «А» уй, Республика Кўчмас мулк биржаси.**

**Телефонлар: 399 80 26, 136 26 26. Факс: 136 06 17 www.rkmb.uz**

**Манзил: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, М.Қосимов кўчаси, 35-уй, РКМБ**

**Фарғона вилояти филиали. Телефонлар: 8 (3732) 24-68-72, 24-68-70**

**Факс: 8 (371) 114-62-35.**

**Манзил: Наманган шаҳар, Нодира кўчаси, 3-уй. (Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси биносининг 4-қавати). РКМБ Наманган вилояти филиали.**

**Телефонлар (8/-3692) 26-54-47; 26-27-01.**

**Эслатма:** *РКМБ электрон биржа савдолари жараёнида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортиқ харидор томонидан қизиқиш билдирилган ҳолда савдо аукцион кўринишида давом этиб нархлар эркин шаклланади.*

*Масала кўндаланг қўйилади*

***Ўзбекистон Республикаси Конституциясига атроф-муҳит муҳофазасига дахлдор моддалар киритилган. Бизга гўзаллик, завқ-шавқ бахш этаётган, ризқ-рўз улашаётган табиатни асраб-авайлаш, бойликларидан оқилона фойдаланиш – келажак авлодлар олдидаги муқаддас бурчимиз.***

Ўзининг осмонўпар тоғлари, ям-яшил ўрмонлари, шарқироқ сойлари, «Қизил китоб»га киритилган ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси билан оламга машҳур бўлган Сурхондарёда табиат муҳофазаси қандай йўлга қўйилган?

# ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИГА КИМ МАСЪУЛ?

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича 1999-2005 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури тўғрисида»ги қарорини бажариш бўйича бир мунча ишлар амалга оширилди. Асосий эътибор атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва ҳукумат қарорларининг ижросига қаратилган. Шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва маҳаллаларда ўтказилган «Экология ва саломатлик» кунлари, шанбалик, одамлар онгига экологик билимлар ва табиатдан фойдаланиш маданиятини сингдириш борасидаги тарғибот-ташвиқот ишлари ўзининг ижобий самарасини бераяпти.

Авлод-аждодларимиз табиатга меҳр қўйиб, сувни ифлослантирмаслик, дарахтларни синдирмаслик, фарзандларини ҳатто чумолига озор бермасликка ўргатишган. Вилоятда атмосфера ҳавосининг мусаффолиги доимо долзарб вазифа бўлиб қолаяпти. Бироқ амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга қарамасдан бу соҳадаги муаммолар тўлиқ ҳал этилмаган. Термиз шаҳридаги саноат корхоналарининг бир кунлик чиқараётган зарарли моддалари 6,8 тоннани ташкил этади.

Ҳавонинг ифлосланиб боришида автотранспортнинг ҳиссаси ҳам салмоқли. Автомобиллардан чиқадиган газлар инсон организмига жиддий таъсир кўрсатади. Бундай нуқсонларнинг олдини олиш мақсадида ички ишлар, соғлиқни сақлаш ва табиатни муҳофаза қилиш тизими ходимлари билан ҳамкорликда йилда икки марта «Тоза ҳаво» тадбирлари ўтказиб келинаяпти. Йўл патрул хизмати масканларида назорат-текширув нуқталари ташкил қилиниб, автомобилларнинг газ ва тутун ҳолати махсус асбоблар билан ўлчаб кўрилиб, ҳавони ифлослантираётган техника ҳайдовчилари тегишли тартибда жаримага тортилди.

Транспорт воситаларидан кенг фойдаланувчи 10 дан ортиқ хўжалик ва ёнилғи қуйиш шохобчаларида экологик мониторинглар ўтказилди. Сариосиёнинг «Бектранс Осиё» масъулияти чекланган жамияти, Жарқўрғондаги «Руслан», Термиз шаҳридаги «Даврон ота Элмуродов», Деновнинг «Чоғониён» автотранспорт корхоналаридаги 8500 дан ортиқ автоулов назоратга олиниб, мингга яқинининг чиқараётган гази заҳарлилиги ортиқча эканлиги аниқланди. Таажжубланарлиси, юқорида номи қайд этилган корхоналарда тутун ва газ миқдорини ўлчовчи асбоб-ускуналар мавжудлигига қарамасдан ҳанузгача давлат стандарти кўригидан ўтказилмаган, ёки ишламасдан турибди.

Бундан 30 йил муқаддам қуриб фойдаланишга топширилган Турсунзода шаҳридаги алюминий заводи Сариосиё тумани ҳудудидан 9 километр масофада жойлашган. Корхона инсон ҳаёти, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси учун хавфли, зарарли фтор водороди газини тинимсиз тарқатмоқда. Оламга донғи кетган Дашнобод анорлари, Қорабанди қишлоғининг тиллоранг ўриклари, Шоҳ қишлоғининг қирмизи олмалари пишмай тўкилиб кетаяпти. Денгиз сатҳидан 1600-2000 метр баландликда жойлашган Деҳбодом, Хонжиза ёнғоқларининг мағзи қорайиб, истеъмол қилиш мумкин бўлмай қолди.

Зарарли моддаларнинг кўп қисми Узун, Сариосиё, Денов, Олтинсой туманларидагина эмас, балки Бандихон ва Қизириқ чўлу яйловларигача етиб бориб, ерга сингмоқда.

Завод бир йилда атроф-муҳитга 21 минг тонна ифлос чиқиндиларни тарқатади. Шундан 119 тоннаси инсон, ҳайвонот ва ўсимлик оламига ҳалокатли таъсир кўрсатувчи манбалар ҳисобланади.

Ҳисор водийсида эсаётган зарарли чанг, тўзонлар тупроқ, сув, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига ўнглаб бўлмас зарар етказаяпти. Туғиш ёшидаги аёллар кам қонликка чалиниши, бепуштлик даражасининг кўпайиб бораётганлиги, турли юқумли касалликлар пайдо бўлиши экологик вазиятнинг хатарли ҳолга келганлиги натижаси. Бунинг устига қорамоллар, қўй ва эчкилар, ҳатто отларнинг тиши тўкилиб, ўрмонлардаги ёнғоқ, гилос, олча, қороли, беҳи дарахтларининг барглари зафарондек сарғайган. Узум ва анордан белгиланган ҳосилни олиш қийин бўлиб қолди.

Табиат тақдири – инсон ва олам тақдири билан чамбарчас боғланган. Экологик вазиятни мўътадиллаштириш, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш шу куннинг асосий вазифаси бўлмоғи, уни тоза ва мусаффо ҳолда авлодларга етказмоқ керак.

**И.ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

***Муборак туман маорифчилари янги ўқув йилини кўтаринкилик билан бошлаб юбордилар. Бунинг учун мавжуд таълим муассасалари капитал ҳамда жорий таъмирдан чиқарилди. Акмал Икромов, Улуғбек, Саид Жўраев номли мактаблар ҳомийлар кўмагидан баҳраманд бўлдилар.***

— Туманимизда 31 та мактаб бўлиб, уларда 17500 га яқин ўқувчилар таълим-тарбия олмоқда, - дейди халқ таълими бўлими мудири Шаймурод Давронов. — 18 та мактабгача таълим муассасаларида 1200 дан ортиқ бола тарбияланмоқда.

Шуниси эътиборга моликки, мактабларда ташкил этилган миллий ҳунармандчилик, каштачилик, зардўзлик сингари касблар ўқувчиларнинг дунёқарашини шакллантириш, турдош касб эгалари бўлишига хизмат қилмоқда. Биз Ибн Сино номли мактабнинг меҳнат таълими фани ўқитувчиси Шамсия Усмонованинг ўқувчиларни зардўзлик касб сирларидан воқиф этаётган бир паллада учратдик. Қарийб 25 йилдан буён ёшларга устоз шогирдлари қўлида сайқал топаётган зардўзлик маҳсулотлари барчага манзур бўлаяпти.

Ўқувчиларнинг деярли барчаси турдош касбларни эгаллаб олишган. Ёшларнинг пухта билим олишлари уларнинг ёзги таътилини қай даражада ўтказишларига боғлиқ. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман кенгашининг раиси Шамсиддин Эргашевнинг таъкидлашича, ёзги таътилда юртимизнинг энг сўлим гўшаларидан бўлган Мингчинордаги "Ёш алангачи", Шаҳрисабздаги Беруний, Яккабоғдаги "Автомобилчи" ҳамда "Ниҳол" оромгоҳларида 3500 дан ортиқ бола дам олдирилди.

Бугунги кунда жойларда 15 та бошланғич, 41 та цех касаба уюшма ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Ўз атрофига 1662 нафар касаба уюшма аъзосини бирлаштирган туман кенгашининг асосий мақсад ва вазифалари ҳам келажагимиз эгаларини миллий истиқлол ғоялари асосида тарбиялашдан иборат.

*Ҳунарни асрабон нетгумдир охир...*

# МАКТАБДА ЗАРДЎЗЛИК ТЎГАРАГИ



**Ш.СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

**Суратда: Ўқитувчи Муаззам Нормўминова ва Шамсия Усмоновалар зардўзлик намуналарини кўздан кечиряптилар.**

## ЁШ ИҚТИСОДЧИЛАР КОЛЛЕЖИ

Вобкент тумани Косари қишлоғида 450 ўринли иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди. Бу ерда бухгалтер, аудитор, молиячи, менежер ва референтлар тайёрланади.

Ушбу масканда ўқувчиларнинг замон талаблари даражасидаги мутахассислар бўлиб етишиши учун барча шароит муҳайё. Компьютер хонаси, фан кабинет ва лабораториялари, спорт зали, ётоқхона зарур жиҳозлар билан таъминланган.

Шунингдек, реконструкция ишлари ниҳоясига етган Бухоро автомобиль ва йўл, иқтисодиёт ва банк, маиший хизмат коллежлари ҳам фойдаланишга топширилди. Ҳадемай вилоят марказида юридик коллеж фаолият кўрсата бошлайди. Бугунги кунда воҳа шаҳар ва қишлоқларида 45 та касб-ҳунар коллежлари бўлиб, уларда 40 минг нафарга яқин йигит-қиз 200 дан зиёд мутахассислик бўйича таълим олмоқда.

*Футбол*

***Ўзбекистон ТВ «Спорт» канали катта савобга қолди. Тошкентда Ўзбекистон ва Баҳрайн ўртасидаги футбол баҳсидан бир кун аввал Осиё чемпионати доирасида ушбу жамоаларнинг ўзаро учрашуви қайта намойиш этилди. Ўшанда қанчадан-қанча ишқибозларнинг юрак хуружига сабаб бўлган ўйин тафсилотини яна бир марта ортиқча ҳаяжонга берилмай, оғир-босиқлик билан томоша қилиш жараёнида ғалаба посонгисини бемалол ўз томонимизга оғдириш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдик. Қарангки, биргина Шишеловнинг ўзи учта юз фоизли голни кўкка совурган экан. Пеналти сериясини-ку гапирмай қўя қолайлик. Ҳатто жаҳон грандлари бўлган жамоаларда ҳам бундай кўнгилсиз ҳол учраб туради. Муҳими, тўғри хулоса чиқариш, ўтган хатоларни такрорламаслик ва албатта мақсадга ирода, ақл ва куч уйғунлигига эришибгина етиш мумкинлигини унутиб қўймаслик зарур.***

# ҲИСОБ — 1:0

## бу умумий ғалаба учун етармикан?

Барча мухлислар 2006 йилда Германияда ўтказиладиган жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритиш ниятини дилга жо қилган ҳолда майдонга тушган эски рақиблар Ўзбекистон ва Баҳрайн миллий терма жамоалари ўртасидаги учрашувни ана шундай фикр-мулоҳазалар оғушида томоша қилишга бошлаганликларига шак-шубҳа йўқ.

Ўйин эса, кутилганидек терма жамоамизнинг кенг кўламли ҳужуми билан ёдда қоладиган бўлди. Биз инглиз мутахассиси Роберт Хоугтон баъзи тактик ўзгартишлар қилганини назардан қочирмадик. Хусусан, майдон марказида Қосимов эмас, кўпроқ Копадзе ҳаракат қилди. Солиев ҳам заҳирадан эмас, ўйин бошиданоқ майдонда пайдо бўлди ва ниҳоят мутахассислар ҳамда футбол мутахассислари томонидан кўп бор номи тилга олинган, лекин термамиз таркибига қўшилмай келаётган Родкевич ҳам ҳимоя чизиғини мустаҳкамлашга киришди. Бу Ширшов иккита огоҳлантириш олганлиги муносабати билан, Ашурматов эса жароҳати туфайли учрашувни ўтказиб юборишга мажбур бўлган бир паллада айни муддао бўлди. Чамаси, словениялик мураббий Луко Перузович шогирдлари учун Миржалол Қосимовнинг ўйинни ташкил қилиш билан бир қаторда тез-тез жарима майдонида пайдо бўлиши фавқулодда янгилик вазифасини ўтади. Қосимов қанотда ўйнаган Анвар Солиев томонидан ошириб берилган тўпни Али Ҳасан Али Хусайн қўриқлаётган дарвозага йўллагани ҳам меҳмонлар сафидаги парокандаликнинг якуни бўлди, десак айни ҳақиқатдир. Бу учрашувнинг 12-дақиқасида содир бўлгани футболчиларимиз ушбу беллашувда йирик ҳисобда ғалаба қозонишга шай, деган таассурот уйғотгани ҳам бор гап.

Хуллас, ўйин биз ўйлагандек ва ҳатто ундан-да яхшироқ бошланди. Лекин у ёғи...

Учрашувни бошқарган япониялик халқаро тоифадаги ҳакам Т.Йошида шу куни футбол билимдонларини ҳайратга солиб, ажабтовур кашфиётга қўл урди. Бунақасини ҳар ҳолда илгари кўрмаган ёҳуд эшитмаган эдик. Биз энг зўр деб биладиган итальян Коллина ҳам, даниялик Ларсен ҳам, унча-мунча учрашувларда қовун тушириб, таънадошномлар ёмғири остида қолган немис Маркус ҳам хойнаҳой кечаги ҳакамнинг қарорига ёқа ушлаб қолган бўлардилар.

Шундайки, М.Шацких томонидан бош билан йўлланган тўпни Баҳрайн футболчиси қўли билан ушлаб, унинг дарвозага киришига йўл бермади. Табиийки, ҳакам пеналти белгилади. Ўрганиб қолганимиздек тўпни Сервер Жепаров тепди. Гол! Ҳисоб – 2:0. Мана буни ўйин деса бўлади! Йўқ, бирдан меҳмонларимиз ҳакамни ўраб олиб, алланималарни тушунтириша бошлашди. Улар, чамаси, тўп тепилаётганида Шацких ва Копадзе жарима майдонига барвақтроқ кириб кетганларини ҳакамга уқтиришмоқда эди. Бундай ҳолатда пеналти қайта бажарилишини ҳаммамиз яхши биламиз. Аммо Т.Йошида ёрдамчиси билан маслаҳатлашиб олгач, антиқа қарор қабул қилди. Қарама-қарши томонга жарима белгиланиб, ҳеч нима бўлмагандек ўйин давом эттирилди.

Бошқача айтганда, 1:0 ҳисоб сақланиб қолди. Ўз-ўзидан тушунарлики, майдонда асабий ҳолат юзага келди. Қўполликлар, сариқ карточка олишлар, ҳар икки жамоа шифокорларининг дам-бадам майдонда узала тушиб ётган футболчиларга ёрдам кўрсатиши остида учрашув қандай поёнига етганини ҳам, очиғи, билмай қолдик. Бой берилган имкониятларнинг-ку ҳисоби йўқ.

Шу тариқа ўйинчиларни ҳам, мухлисларни ҳам, ҳатто мутахассисларни ҳам ҳайрон қолдирган матч якунига етди.

Аммо, биз биламизки, плей-офф икки ўйиндан иборат бўлади. Жавоб учрашуви эса 7 сентябрга белгиланган. 1:0 ҳисоби умумий ғалабамиз учун кифоя қиладими ёки вазият бошқача тус оладими, бу бизга қоронғу. Роберт Хоугтон мухлисларгами ёки ўзигами таскин бериб, 1:0 ҳисоби, ҳатто 0:0 ҳам бизни қониқтиради, чунки бундай натижа билан меҳмонда тўп сурган жамоа руҳий устунликка эга бўлади, яъни сафарда киритилган голнинг аҳамияти ортади, деган эсада, хотиржам бўлишимизга ҳали эрта.

Бизга бир қоп пуч ёнғоқдан кўра чақилганда ичидан тўқ мағиз чиққан бир ҳовуч ўрик данаги афзал. Тақдир қандай туҳфа тайёрлаб қўйганини яна икки кундан сўнг билиб оламиз.

**З.РИХСИЕВ**

*Хабарлар оқимидан*

## КЕНГ ҚАМРОВЛИ ДАСТУР

***Янги ўқув йили Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги барча масканларда "Таълим муассасалари, оила ва маҳалла ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш ўқув йили" деб эълон қилинди. Ана шу кенг қамровли таълимий жараённи муваффақиятли амалга ошириш юзасидан тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.***

Бу йўриқномада вилоят халқ таълими бошқармалари билан "Маҳалла" жамғармаси, "Оила" илмий-амалий маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг жойлардаги бўлимлари томонидан қўшма қарорлар қабул қилинди.

Ўқув йили давомида таълим муассасаларининг турли масалалар билан шуғулланувчи кенгашлари тузилиб, улар таркибига ота-оналар, ўқитувчилар, ўқувчилар ва маҳалла вакиллари ўзаро бамаслаҳат иш тутадилар. Бу эса илғор иш усулларини кенг ёйиш, юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш имконини беради.

## ТАҚДИМОТ

***Янги ўқув йилига совға бўлган ўқув адабиётларидан бир нечтаси энг яхши дарслик ва услубий қўлланма деб топилди. Бундай янги нашрлар орасида мактабларни еттинчи синфи учун яратилган ўқув адабиётлари ҳам бор.***

Адабиёт, математика, биология, физика фанларидан чоп этилган дарсликлар ҳам пухта ишланганлиги билан ажралиб туради. Тажрибакор ўқитувчилар ва мутахассис олимлар томонидан эътироф этилган ана шу ўқув адабиётларининг тақдимоти бўлиб ўтди. Республика таълим марказида уюштирилган бу тадбирда ушбу нашрлар муаллифлари ҳам сўзга чиқиб, ўз изланишлари ҳақида гапириб бердилар.

**А.АЛИЕВ**

## СИЗ КУТГАН КИТОБЛАР

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов шу йил 31 август - Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида ўтган тадбирда тарихимизни ҳаққоний тадқиқ этишда архив ҳужжатларини мукаммал ўрганиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлади. Зеро, истибдод замонининг ҳали ўрганилмаган жиҳатлари жуда кўп.

«Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси ташаббуси билан рус тилида нашр этилган «Репрессия. 1937-1938 гг. Документы и материалы» («Қатағон. 1937-1938 йиллар. Ҳужжатлар ва материаллар») ҳамда «Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати» (муаллифлари - Р.Шамсуддинов, А.Мамажонов) китобларининг Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтган тақдимотида шу ҳақда гап борди.

Унда сўзга чиққан «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси раиси, адабиётшунос Наим Каримов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Хуршид Дўстмуҳамедов ва бошқалар Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Ватанимиз тарихини холис ва ҳаққоний ўрганиш, қатағон йиллари жабрини чеккан минглаб юртдошларимизнинг пок номларини тиклашга катта аҳамият берилаётганини қайд этди. Ана шундай улкан эътибор самараси ўлароқ, қатағонга учраган кўплаб юртдошларимизга оид тарихий маълумотлар аниқланиб, улар асосида бир неча китоб чоп этилди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан нашр этилган мазкур китобларда ҳам бир пайтлар махфий саналган кўпдан-кўп ҳужжатлар, материаллар, маълумотномалар, рўйхатлар ва хариталар келтирилган.

**(ЎзА)**



*Ибрат*

# ОДАМЛАР ДЕБ ЯШАСА ИНСОН

***Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган одамнинг қилаётган ишида мазмун, мақсад бўлади, деб бежиз айтишмайди. Устозимиз Йўлдош Мамажоновнинг ўсмирлик чоғлари иккинчи жаҳон урушининг оғир йилларига тўғри келди.***

Шундоғам қаҳатчиликда яшаётган одамлар сўнгги нонини ҳам фронтга жўнатган, хотин-халаж, ҳатто ёш болалар ҳам тирикчилик ўтказиш, рўзғор тебратиш учун оғир меҳнат қилишга мажбур бўлган даврлар ҳақида Йўлдош ака дард билан гапирар эди. Ҳозирги тинчлик замонлар мустақиллик шарофати билан эканлигини, ватанинг озод бўлса тараққиёт ҳам осудаликда кечишини, бунинг учун ҳукуматимиз аҳоли фаровонлигини ошириш йўлида тинмай заҳмат чекаётганини шавқ билан гапирарди. Мустақиллик қадрига маҳкумликда яшаб кўрган одамлар кўпроқ етишини бизлар ўшанда англаб етгандик.

Йўлдош ака Мамажонов ўз иш фаолиятини мактабда ўқитувчилик қилишдан бошлади. Уруш кўпгина оилаларга мусибат келтиргани, очлик ҳукм сураётганига қарамай билим олишга иштиёқ кучлилик қилди. Бу иштиёқ уни Кимё-технология институтига етаклади. 1950 йилда институтни тугатиб, бор куч-ғайратини озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга сарфлади. Ҳар бир масалага ўта масъулият билан ёндашиши панд бермади. Айниқса, янгиликка интилувчан, изланувчан, ташаббускор инсон сифатида атрофидагилар орасида ҳурмат-эътибор қозонди. Унинг раҳбарлиги остида аҳоли олдидаги ўз масъулиятини ҳис қила оладиган, зиммасидаги вазифани бекаму кўст бажарадиган аҳил жамоа шаклланди.

Шунингдек, у ўз билимини ошириш, иш тажрибасида қўллаш учун аспирантурага ўқишга кирди. Ўқиб юрган йилларида номзодлик илмий ишини муносиб ҳимоя қилди ва техника фанлари номзоди унвонига сазовор бўлди.

Излаган имкон топади, деганларидек, янги технологияларни жорий этишда у кишининг хизматлари катта эди. Мамлакатимизда ушбу соҳанинг такомиллашуви йўлида меҳнат қилди. Албатта, қилинган меҳнат беиз кетмайди. Ҳукуматимиз томонидан Й.Мамажоновга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган муҳандис" унвони берилди.

Ҳамиша одамларнинг оғирини енгил қилиш, яхши-ёмон кунларида ҳамдард бўлиш олижаноб қалб эгаси Йўлдош аканинг шиори эди. Бугун ушбу ҳислатлар шогирдларида мужассам эканлиги дилларга таскин беради.

**Б.УЗОҚОВ**

## МЕҲР ИЛА ОЛАМ МУНАВВАР

Муҳтож, кам таъминланган, кўп болали, ёлғиз яшовчи оилалар, ногиронлар, кексаларнинг ҳолидан хабар олиш, меҳр-мурувват кўрсатиш хайрли амаллардан. Шу боис, касаба уюшмалари фаолиятида бу масалага алоҳида аҳамият берилмоқда. Умумхалқ байрами муносабати билан Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан Учтепа туманидаги «Гузар», «Нўғай қўрғон», Алишер Навоий, «Дўстлик», «Тинчлик» ҳамда Фарҳод маҳаллаларида истиқомат қилаётган кам таъминланган оилалар фарзандларига дарсликлар, ўқув қуроллари ҳамда Кўкча Оқтепаси маҳалласида яшовчи муҳтож оилалар, уруш фахрийларига хайрия ёрдами берилди.

Муҳими, гап совғада эмас. Кўрсатилган эътибор, дилдан айтилган икки оғиз самимий сўз барчасидан аълодир. Қалби беғубор болаларнинг миннатдорчилиги, беморлар, кексаларнинг дуосига сазовор бўлиш нақадар улуғ бахт-саодат, қолаверса, савобли иш қилишга интилишимиз шарқона тарбияга, халқимизга хос ва мос бўлган миллий ва умуминсоний қадрият ҳамдир.

Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни жисмонан кучли, руҳан тетик, маънавий жиҳатдан соғлом бўлиб камол топтиришдек эзгу ишларни имкон қадар қўллаб-қувватлашга касаба уюшмалари ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли 83 384- ва 71186-сонли ҳарбий қисмларнинг футбол жамоалари учун спорт кийимлари тўпламини топширилди, ҳарбий хизматчилар, ёш аскарларга самимий тилаклар билдирилди.

**Улуғбек ПЎЛАТОВ**

Ўзбекистон Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши жамоаси Марказий Кенгашнинг Қашқадарё вилояти бўйича вакили Исоқ Аҳмедовга отаси **НАБИЖОН** отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.50

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 7765 Буюртма Г— 616 12345